

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

«БОР БОРИЧА, ЙЎҚ ҲОЛИЧА...»



5-“В” синф ўқувчиларига раҳбарлик қиламан. Улар 33 нафар. Ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам имкон қадар дарсларга мактаб формасида келишади. Биргина Дониёр исмли ўқувчим ҳар куни ҳар хил кийимлар кийиб келади. Ҳаммаси қимматбаҳо. Майли кийинсин, лекин мактабга эмас-да. Чунки унинг турли-туман кийиниши бошқа болаларнинг ҳам диққатини жалб қилади. Дониёрнинг ўзига бир неча бор тушунтиришга ҳаракат қилдим, ўзгариш бўлмади. Шунда унинг онаси билан гаплашиб кўриш ниятида, мактабга чақиртирдим. Онасига вазиятни ётиги билан тушунтиришга умид қилгандим. Лекин кутилмаганда у аёлнинг кайфияти ўзгариб кетди:

— Ўғлимнинг кийимлари жуда кўп, яхши ният билан “кийсин” деб олиб берганмиз. Лекин ҳар куни мактабга бир хил форма кияверса, қолган кийимларини қачон кияди? — деди зардали оҳангда. — Бошқаларнинг эйтиборини тортаётган бўлса, “Бор борица, йўқ ҳолича” деган нақл бор, ўргилай.

Мен қандай жавоб қайтаришни билмай, лол қолдим... Лекин барибир ўқувчимнинг онаси ноҳақ эди.

Шарофат ТҲҲТАЕВА,
Қашқадарё вилояти.

ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИК

Ўзингиз биласиз, биринчи синфларга дарс бериш, юқори синфларни ўқитишга нисбатан бироз мушкул. Кечагина боғча опасига эркалик қилиб юрган болакай елкасига тушган “юк”ни дарров кўтара олмайди. Бир неча йиллардан буён бошланғич синфларга дарс бериб келганлигим сабаб, буни мен ўз тажрибамда синаб кўрганман.

Бу йил мен яна биринчи синфларни қабул қилиб олдим. Аммо бу болалар бундан бир неча йиллар аввалги болалардан тамомила ўзгачадирлар.

Буларнинг орасида узоқ йиллардаги ўқувчиларим сингари ҳарф танимайдиганлари йўқ. Ҳаммаси деярли ўқишни билишади, жуда билмагани

харф танийди. Тиллари бурро, зийрак. Кўпчилиги чет тилини (!) инглиз, форс, араб тилини тўла бўлмасида ўрганишган. Қобилиятларини намоёиш этишга ҳам торгинишмайди.

Бу мени ҳаяжонга солади. Қизиқ, нега дейсизми? Мен улардаги билимга, бирор нарсани ўрганишга бўлган қизиқишларини кўриб, маориф янги бир bosқичга, юқори поғонага чиққанини сездим. Бу мени қанча руҳлантирса, ўқувчиларим ҳам шу қадар яхши баҳоларга ўқишмоқда.

Мана, биринчи — менимча, жуда қийин бўлган чоракни яқунладик. Аммо мақтаниш бўлмасину ўқувчиларимнинг биронтаси ўзлаштирмай қолмади...

М. МУРОТОВА,
Андижон шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси.



БИР-БИРИМИЗНИ ҚЎЛЛАДИК

Биз биринчи чоракни қандай яқунласак, кейинги чоракларда ҳам баҳоларимиз шундай бўлишни яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам бу чоракнинг ўздан бизнинг синфимиз ўқувчилари аълога ўқишга ҳаракат қилишди. Шу мақсадда бир қатор ишларни бажардик: бирор фандан кийналаётган синфдошлар учун ёрдамчи машғулотлар

ташқил этдик. Синфдаги барча болаларнинг турли фан тўғрақларида иштирок этишига эришдик. Кутубхонага аъзо бўлдик.

Аввалги йилларда биз бу ишларни четлаб ўтгандик. Бу йил эса улар яхши натижалар берганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам синфимиз ўқувчилари биринчи чоракни аълочи синфлар қаторида яқунлади.

Дурдона МИРСОАТОВА,
Тошкент шаҳридаги
143-мактабнинг 11-“А” синф
ўқувчиси.



У олти ешлигида акаси билан шаҳарга келган, қават-қават уйларнинг кўплигини кўриб ҳайратдан лол қотганди. Шунда у: “Наҳотки бу уйларни одамлар қурган бўлса?” дея ўзига адоқсиз саволлар берган, лекин ҳеч бирига жавоб тополмаганди. Алола шаҳарнинг кенг кўчалари бўйлаб юраркан борлиқнинг нақадар катталиги, ўзининг аянчли даражада кичиклиги тўғрисида бир асосли фикрга келган ва улар орасида “хатлаб” бўлмайдиган чегара борлигига ишонган эди.

У бу чегарани бузиб киришга бел боғлади. Бу унинг шаҳарий орзуси — бинокор бўлиш эди. Йиллар тўзонида ҳам уни бу орзу тарқ этмади. Мана буғун у шуичаки лойдан уй ясамоқда. Эртага осмон билан “тиллашадиган” уйлар унинг қўли билан бунёд этилар!



Мана, дейлик сиз кимсасиз оролга тушиб қолдингиз. Усимлик, сув ва ҳайвонлардан бошқа ҳеч бир тирик жон йўқ. Шу ҳолда сизга меҳнат, жиноят кодекси қонунлари ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари керак бўлармиди? Йўқ!

«ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ
САРИ»

2-БЕТ

Кейинроқ билса, самолётлар қоғоздан эмас, темирдан ясалар экан. Жавлоннинг ҳаёлида яна саволлар ўйнай бошлади: «Темир жуда оғирку, Осмонга қандай кўтарилиши мумкин?..»

3-БЕТ

Ойим уч сўм берувди,
Ипагин эшиб қўйдим.
Хасис дадамни эса,
Чўнтагин тешиб қўйдим.

«МИННАТДОРЧИЛИК
ВА ЖАЗО»


4-БЕТ




Санобар опа Бекпўлатова ўқитувчи. Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги 69-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Санъатга жуда ихлосманд бўлганиданми, 5 нафар ўғил-қизининг бари санъатга меҳр кўйишган. Бири кўшиқ айтади, бири рақсга тушади, яна бири куй чалади. Бу оилавий ансамбль аъзолари доимо биргаликда машқ қилишади, янги куй ё кўшиқ устида ишлаб, ҳамфикр бўлишади, маслаҳатлашади. Санобар опа эса уларга доимо бош-қош. Шундан бўлса керак бу хонадондан куй-кўшиқ, хурсандчилик аримайди.

Суратда: Санобар опанинг қизи Нилуфар ҳозирда 10-синфда сабоқ оляпти. 9 ёшдан рақс туша бошлаган Нилуфарнинг рақслар гулдастаси ранг-барангдир.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



Ҳаммаси иродага боғлиқ



Кашандаларда ўпка раки ва оғиз бўшлиги раки чекмайдиганларга қараганда 10-15 мартаба кўп учраш экан. Қанчалик кўп чекилса, бу хавфнинг шунчалик ривожланиши тезлашади. Зеро, чекишнинг адоғида ҳалокат туриши ҳаммага маълум.

— Айрим чекувчиларга "Нега чекишни ўргангансиз?" деб савол берсангиз "Ешлик қизиқчилигида" дейишади. Бу гапда жон бор. Масалан, бунга мактабни мисол қилиб олайлик. Ўқитувчи ўзидаги яхши ҳислатлари билан мактабда, жамоат жойларда, кўча-кўйларда атрофдагиларга намуна бўлмоғи даркор. Айрим ўқитувчиларимиз эса синф хонасида, ўқитувчилар хонасида, залда ёки мактаб ҳовлисида буркитиб сигарета чекишади. Бунинг шохиди бўлган ўқувчилар албатта ўқитувчисига тақлид қилишади-да. Ахир куш ошёнида кўрганини қилади-ку. Ваҳоланки, вақт ўтгач, уларни бу йўлдан қайтариш қийин кечади.

— Модомики, улар бу йўлга кирган экан, — дейди биз билан суҳбатда врач Маннон Очилов, — чекишни ташлатишнинг иложи бор. Ягона йўли умуман чекмаслик ёки секин-аста чекишни камайтириб бориш керак. Бунга анабазинли резина сақичлар, гидрохлорид таблеткалар, оғизда тез эрувчи плёнкалар орқали эришилади. Бу фақатгина мустаҳкам иродага боғлиқ.

Кўпчилик кашандалар ўзларининг кучига, қувватига, тетиклигига ишонишиб, юрaveraдилар. Аслида ўпка раки, миокард инфаркти, гипертония, ошқозон яраси каби касалликларга чалинганлигини сезишмайди. Боши деворга бориб теккандан сўнггина тўшака михланган умрларига ачинадилар. Яхшиси келинлар, шундоқ ҳам умримизга ҳисобли, уни янада узайтиришга ҳаракат қилайлик.

Абдурашид БУРГУТОВ,

Тожикистон Республикаси,
Ленинобод вилояти, Хўжанд
туманидаги 67-мактаб
ўқитувчиси.

Бухоро қадимдан ўзининг қосиб ва хунармандлари, зардўзу чеварлари билан машҳур. Бу қадимий хунарларни йиллар давомида авлоддан авлодга ўтказиб келиш мақсадида уста қосиблар ўз маҳоратларини болаларга ўргатиб келадилар. Ана шундай тўғарақлардан бири Гиждубон туманидаги 40-мактабда ташкил этилган. Меҳнат ўқитувчиси Малоҳат Гулбоева раҳбарлик қилаётган зардўзлик тўғараги вилоятда машҳур. Ёш зардўз қизлар тўғарақда ўрганган ва тиккан ишлари билан турли конкурсларда иштирок этишган ва юқори ўринларни эгаллаб келишган. Уларнинг қўли билан тикилган дўппилар, аёллар оёқ кийимлари, кўйлақлари ва сўзаналар ҳаммага маъқул бўлган.

СУРАТДА: М. Гулбоева ўзининг энг қобилиятли шогирди, 10-синф ўқувчиси Маърифат Омонова билан иш устида.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



Ҳурматли муҳаррират! Маълумки, Республикаимиз ўзини жаҳонга мустақил давлат сифатида танитгач ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, биз ўз олдимизга чинакам демократик ҳуқуқий давлат қуришни вазифа қилиб қўйдик. Ҳўш, ҳуқуқий давлат ўзи нима? Наҳотки, биз шу кунгача ҳуқуқсиз давлатда яшаган бўлсак? Ахир қабул қилинган қонунлар керагидан ортиқ эди-ку!? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

А. АЛИҚУЛОВ,

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани.

Биз газетхоннинг ишбу саволига жавоб беришни Тошкент Давлат юридик институтининг Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти Қурбонали ака ҚОЛМУМИНОВдан илтимос қилдик.

— Инсон табиатнинг энг олий ва онгли неъмат. У ўзининг жамиятда яшаб, фаолият кўрсатиши, юриш-туришини тартибга солиши учун турли қонун-қоидаларни ўйлаб топган. Яна яхшиямки, бу қонун-қоидалар ўсимлик бўлиб ўсмайди, ёзилади, акс ҳолда улар чирмовикдай ўралашиб, йўлимизни тўсиб қўйишарди. Мана, дейлик сиз кимсасиз оролга тушиб қолдингиз. Ўсимлик, сув ва ҳайвонлардан бошқа ҳеч бир тирик жон йўқ. Шу ҳолда сизга меҳнат, жиноят кодекси қонунлари ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари керак бўлармиди? Йўқ! Ваҳоланки, биз ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлар ривожланган жамиятда яшар эканмиз, қонунларсиз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни ўрната олмаймиз.

Қонуннинг давлатдаги кучи ва аҳамияти бекиёсдир. Бу ҳақда буюк жаҳонгир Амир Темур давлат ва уни идора қилиш меъёрлари, қоидалари мажмуаси бўлган ўз тузуқларида ажойиб фикр юритади. Яъни, у давлат ишларини салтанат қонунларига асосланган ҳолда бошқарганлигини қайд этган. Бунда биз Темур давлатининг фақат ҳарбий диктатурага эмас, балки кўпроқ ҳуқуқий давлат қонунларига асосланганлигини кўраимиз.

Ҳўш, ҳуқуқий давлатнинг ўзи нима? Унинг замонавий тушунчаси қандай? Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг қабул қилиниши давлат мустақиллигининг энг муҳим белгиси бўлиб, жуда катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки унда инсон ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик қонуни эълон қилиниб, халқро ҳуқуқнинг умумий қоидалари асосида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси кўйилган.

Ҳуқуқий давлат, бу — Ўзбекистонда яшовчи барча табақа ва гуруҳларнинг, миллат ва элатларнинг инсонпарварлик қоидаларига асосланган бўлиб, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий этикодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни барпо этиш муҳим масаладир. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгилари эса қуйидагиларда кўринади:

1. Ўзбекистон — суверен демократик давлат бўлиб, у бирон синф, сиёсий партия, табақа ва гуруҳнинг

манфаатларини бошқарувчи диктатура бўлмасдан, жамиятдаги барча сиёсий партия, табақа ва гуруҳларнинг,

Ҳуқуқий давлат сарри

миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодалайди. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлар олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади."

2. Жамиятда қонуннинг устунлик принципи. Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўз иш фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилади.

3. Конституциянинг 56-моддасида кўрсатилгандек, давлат ва жамият ишларини бошқариш учун Ўзбекистон Республикасида қонуний равишда қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари, жамоат бирлашмаларига йўл қўйилади ва улар фаол қатнашади.

4. Давлат ҳокимиятини демократик асосда ташкил қилиш ва иш олиб боришлиги учун ҳамда ҳокимиятни суиестемол қилмаслик учун Конституциянинг II-моддасида белгилангандек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

5. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини халқро ҳуқуқий нормалар асосида амалга ошириш, Конституциянинг 18-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида барча

фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

6. Давлат органларига сайлов тизимини умумий, тенг, тўғридан-тўғри, сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказишдир. 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Шундай қилиб, қонун устиворлиги ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир. Собик Шўролар Иттифоқида эса

ҳолос. Судья, мудофаа адвокати ва жюри ҳайъати 13-19 ёшли болалардир.


Ўсмирлардан ташкил топган жюри ҳайъати айбдор ўспиринга қамоқ ёки жарима жазоси бера олмайди. Бироқ жамоа хизматларида ишлаш ёки уз сўраш учун буйруқ бера олади. Айбдор ўспирин жазо муқобилидаги хизматини тамомлагандан кейин қонунга хилоф қилган ҳаракатларининг ҳужжати унинг ишидан тамоман чиқариб ташланади.

Бу дастур ўйламанки, ёшларга ҳуқуқий тарбия беришнинг қизиқарли шаклидир. Улар шу орқали ўзларини қонун олдида масъул ва жавобгар эканликларини яхши англайдилар.



Мана яқинда ўзимизда илк бор Ёш ҳуқуқшуносларнинг I Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Бунга фақат табриқлаш керак. Унда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида таълим олаётган 82 нафар ўқувчи иштирок этди. Олимпиада иштирокчилари ўз мактабларида, туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этишиб, голиб чиқишган. Ҳакамлар ҳайъати ушбу мусобақа дастурларини бир ой аввал ишлаб чиқиб, ўқувчилар шунга кўра жиддий тайёргарлик кўришган эди. Дастурга кўра, ўқувчилар аввало, тестлар асосида езма иш топширишди. Саволлар асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, давлатчилик, ҳуқуқий давлат тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юзасидан эди. Сўнг ҳар бир ёш ҳуқуқшунос дастурга киритилган II та мавзу юзасидан уйда тайёрлаб келган рефератларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди. Голиблар рағбатлантирилди ҳам. Уларнинг уч нафари Тошкент Давлат юридик институтининг, яна уч нафари юридик коллежининг талабалари бўлишди. Қолганлар эса Республика Адлия вазирлиги таъсис этган қимматбаҳо совгалар ва пул муқофотлари билан тақдирландилар.

Бу шунга кўрсатадики, ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбияланганлиги еш демократик давлатимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ёрдам беради. Республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганлиги, БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция"га қўшилишимизнинг ўзбек ҳуқуқий давлат сарри бораётганимизнинг ерқин далилидир. Шак-шубҳа йўқки, биз яқин келажақда ижтимоий адолатли, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни қураимиз.



Жавлон жуда кичиклигидан самолётларнинг учишига ишқивоз эди. Аввалига у самолётларни қоғоздан ясалган деб ўйларди. Унинг учишига завқ билан қараб туриб, онасидан сўрарди: "Улар қандай учишади-а?"

Кейинроқ билса, самолётлар қоғоздан эмас, темирдан ясалар экан. Жавлоннинг ҳаёлида яна саволлар ўйнай бошлади: "Темир жуда оғир-ку. Осмонга қандай кўтарилиши мумкин?.."

Мактабга қатнай бошлагач, аниқ фанларни ўзлаштириб, самолётларнинг осмонга кўтарилиш сирларини тушунгандай бўлди. Аммо бу унинг қизиқишини қондира олмади. Ва кунларнинг бирида у Республика болалар техник ижодиёти марказига келиб, тўгаракка аъзо бўлди. Бу ерда у нафақат қизиққанларини ўрганди, балки ўзига ўхшаш техникага қизиқувчи болалар билан дўстлашиб олди.

Республика болалар техник ижодиёти маркази қошида ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатади. Болалар бу ерда электроника, радиотехника, самолётсозлик, ракетасозлик каби тўгарак машғулотларига қатнашиб, техника сирларини ўрганишмоқда. Ўзлари ясаган моделлар билан кўрик ва мусобақаларда иштирок этишади.

— Марказдаги машғулотларда

нималарни ўрганаёпсан? — сўраймиз радио тўгараги аъзоси Қ. Қаюмовдан.

— Киши ёшлигидан бирор касб эгаси бўлишни орзу қилади. Аммо бу фақат орзу бўлибгина қолмаслиги учун у кўп ўқиб-ўрганиши керак. Мен орзу қилган касбга эришишимга эса шу марказдаги тўгаракнинг ёрдами катта бўляпти.

Республикамизнинг турли соҳаларида ишлаётган уста касбкорлар орасида болалигида мана шу марказда шуғулланганлар кўп. Ишонамизки, бугун тўгаракларга аъзо бўлганлар орасидан ҳам яна илғор ишчилар, олимлар етишиб чиқади.

Суратларда: Жавлон Салимов ва Тўлқин Ахматов мана шундай ҳарбий самолётда учишни орзу қилишади.




Радио тўгараги аъзолари радиоэлектрон аппаратларнинг ишлашини кузатишмоқда.


Бу ёшлар ишлаб чиқариш моделларини ясашади. Балки улар катта бўлишганда ҳам шу соҳаларда хизмат қилишар.

Республика болалар техник ижодиёти маркази аъзолари машғулот пайтида.

Б. Ҳолмухамедов ва Рустам Ахматов ҳам марказ аъзоларидир.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.





Ахмадали Юсупов 1950 йилда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманига қарашли Бесаранг қишлоғида туғилди. Мана, 31-мактабни тамомлаб матбуотга қадам қўйганига ҳам 30 йилдан ошди. Шу давр ичида у ўз ҳамқишлоқлари ҳаётидан жақола, лавҳа, очерклар ёзиб, "Тошлоқ тонги", "Олтин водий" рўзномаларида еритди. "Олтин водий" рўзномаси қошида ташкил этилган журналистика халқ дорилфундуида таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлар Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Абдуҷаббор Ҳусанов, Адҳам ҳожи Каримов, Толибжон Турсунов, Набижон Собировлардан таълим олиб маҳорат сирларини ўрганди. Ахмадалининг бир қанча ичакузди ҳажвиялари республика ва вилоят рўзномаларида чоп этилган, "Хотинимдан айланай" номли ҳажвий китоби эса китобхонлар қўлига тез кунларда етиб боради.

СИЧҚОННИНГ ЯХШИСИ

Қитирлатса гар сичқон
Қанд солинган қутини.
Ойим очиб буюрар,
Қани, Вали тут уни!
Сал-пал қувлаган бўлиб,
Чўнтакни тўлдираман.
Шундай яхши сичқонни
Мен нега ўлдираман?

— Даданг уйда борми? — деб
Сўраб келди бир одам.
Чақиришга эриниб,
Қобил деди: "Йўқ, дадам".
Синовчан тикиларкан,
Қобилжоннинг кўзига
Бошқача бир йўл тутди,
Ишонмасдан сўзига:
— Рост гапирсанг, болакай,
Менга жуда ёқасан,
Икки-уч сўм пул берай,
Писта олиб чақасан.
Бу гапдан қувнаб Қобил,
Ним қулгу ҳада этди.
Дадасин чақиргани,
Уйига кириб кетди.

Таҳаллус

Онаси иш буюрса,
Каттароқ, деб Валига.
Валижони тушмагур,
Бажартирар Алига.
Мол боқиб, уй супуриб,
Али тинмай ўт ўрар.
Ёнбошлаб кино кўриб,
Вали эса қанд сўрар.
Кийимлари кир, қасмоқ,
Бег ювгани эриниб,
Вали юрар кўчада,
Ўйин деса берилиб.
Меҳнаткаш деб Алини,
Мақташади эл-улус
Валига "Танбал" дея,
Тиркашади таҳаллус.

Очкўзликнинг "фойдаси"

Якшанба кун эрталаб,
Уйғонса Раҳмон, Рўзи,
Дадаси обкелипти,
Чиройли икки қўзи.
Мусобақа ўйнашди,
Қўзиларни боқишга,
Парваришлаб семиртириб,
Дадасига ёқишга.
Ўзмоқ бўлиб Рўзидан,
Ярим тун туриб Раҳмон.
Ўз кўзиси олдиға,
Тўқди беда, ему пон.
Эрталаб қарасаки,
Кўзиси чўкиб қопти,
Сингдирилмай ем, нонни,
Шўрликча бўкиб қопти.
Буни кўриб дадасин
Қовоқлари уюлди.
Бечора ёш кўзичоқ,
Шу дамдаёқ суйилди.



Исмоил МАҲМУД

Сўнгги пушмон Раҳмоннинг,
Ич-этини кемирар.
Рўзининг кўзичоғи
Кундан-кунга семирар.

"Шпион"

Дилдор дадажонисин,
Кўчада кутиб олди.
Кўрганларин бирма-бир,
Тинмайин тўкиб-солди:
— Дада-чи, мушукчамни,
Болалар қувлади хўп.
Сизга айтаман деган,
Гапларим жуда ҳам кўп.
Соли билан Собитиз,
Тамакиздан чекишди.
Киссангиздан пул олиб,
Ерни қовлаб экишди.
Пул кўкариб чиққанда,
Мевасин теришармиш,
Сизга айтиб қўймасам,
Менга ҳам беришармиш
Сир очилдан баҳс кетса,
Дилдор доим чемпион.
Шунингчун Соли, Собит,
Атар уни "ШПИОН".

Миннатдорчилик ва жазо

Ойим уч сўм берувди,
Ипагин эшиб қўйдим.
Хасис дадамни эса,
Чўнтагин тешиб қўйдим.

"Тадбиркор"

Қулф уриб қутига,
Ойим ҳеч қанд бермайди.
Аммо тез-тез миҳ билан,
Очишимни билмайди.

Зўравон

Акамнинг иши фақат,
Сув қуяр гул тувакка.
Лекин ошга келганда,
Эришади суякка.

Ахмадали ЮСУПОВ.



Дилнура Бозорова Тошкент шаҳри, Зикир Маъмуров номидаги мактабнинг 7-синфида ўқийди. Жуда ёшлигидан Дилнура рақс тушишга қизиқди. Бу қизиқиш уни "Шарк" клубининг қошида ташкил этилган "Парвоз" рақс дастасига етаклади. Бу даста аъзоси сифатида қизча Насиба Мадраҳимова раҳбарлигида турли миллий ва шарқ халқлари рақсларини ўрганмоқда. "Тановар", "Шўх қиз" каби куйларга у жуда катта завқ билан ҳиром айлайди.

Дилнура ўз синфида ҳам рақс дастаси ташкил этган. Улар ёш раққосадан ўрганган рақслари билан мактаб конкурси ва байрамларида иштирок этишяпти.

Суратда: Д. Бозорова саҳнага чиқиш олдидан.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.

ҲИКОЯТЛАР

Бир қашшоқ кўчада ўрли билан кетаётган экан, одамлар тобут кўтариб ўтиб қолишибди. Ўгли отасидан:
— Тобутнинг ичида нима бор? — деб сўрабди.
— Одам, — дебди отаси.
— Қаёққа олиб кетишяпти?
— Шундай бир ерга олиб боришяптики, болам, у ерда на кийишга кийим бор, на ейишга нон, на ичишга сув, на ёқишга ўтин, на тушайдиган бўйра бор, на ўтирадиган гилам.
— Бўлмаса бизнинг уйимизга олиб боришяптган эканда.

Бир қаландар томирини табибга ушлагиб:
— Нима касалим бор? — деб сўрабди.
— Сенинг касалинг очлик, — дебди табиб ва унинг олдида бир лаган ҳалим келтириб қўйибди. Қаландар қорни тўйгандан кейин табибга қараб:
— Бизнинг чодирда яна ўн киши шу касал билан оғриб ётибди, тақсир, — дебди.

Бир киши дўстига:
— Эллик ман бугдойим бор эди, беҳабар қолиман, барини сичқонлар ташиб кетибди, — дебди.
— Менинг ҳам эллик ман бугдойим бор эди, сичқонлар топгунча еб қўя қолдим, — дебди дўсти.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Суюкли укажонимиз АЛЕРЖОН! Сени туғилган кунинг, 8 баҳоринг билан оиламиз аъзолари номидан самимий қутлаймиз. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, ўқишларингда улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Омад ҳамиша ер бўлсин!



Сени самимий қутлаб: опанг ДИЛФУЗА, акаларинг ҒАНИШЕР, АЛИШЕР. Аминовлар оиласи.

Бухоро вилояти, Қизилтепа тумани, Хонрабод кўчаси, 19-уй.

ЖОЙЛАШТИРИНГ-ЧИ!

Ҳурматли ўқувчилар! Аввал бир варақ қоғозга тасвирдагидек ҳарф ва нуқталарни чизинг. Сўнг ҳар бирини қирқинг. Барча бўлақларни шундай бирлаштириб жойлаштирингки, бунда тўртбурчак ҳосил бўлсин.

Ф. ӨРИПОВ тузган.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб./,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАҲМЕТОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕИ МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ-32 УЙ
Нашр кўрсаткичи: 64563

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-596. 29389 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6